Якинда Туркистон мусулмонларининг Хўкандда бўлгон 4-курултойинда (билиттифок) «Туркистон ерлик Мухторияти»га карор берилиб, эълон килингонлиги ва бу муносабат билан Хўкандда зўр намойиш бўлгонлиги маълумдир.

Эшитишимизга кўра, бу кунларда Андижон, Намангон ва Тошкандда хам мусулмонлар тарафидан «Мухторият» фойдасига тантаналик суратда улуг намойишлар килинибдир. Хатто Тошканддаги намойиш нихоятда дабдабалик бўлуб ўтибдир.

Якинда Самарканддаги «Захматкашлар иттифоки» жамияти хам бир мажлис куруб, «Шўрои ислом» жамияти билан биргалашиб «Мухторият» учун намойиш килмокга карор берган ва бунинг учун ўз тарафиндан «Шўрои ислом» жамиятига тўрт нафар вакил юбориб анинг ризолигини сўрагон эди.

Лекин на сабабдандир «Шўрои ислом» жамияти бу ишга ризолик бермади ва намойиш килмокни истамади.

Шунинг учун Самаркандда бўлгули намойиш хануз кечикиб турмокдадирки, бу масала хуррият ва Мухториятга карши бир жиноят бўлса керак.

Энди «Шўрои ислом»нинг бу ишига кандай маъно бермак керак? Биз бу холнинг хакикатини билмай турубмиз. Хархолда, биз шўронинг бу ишини ушбу уч эхтимолнинг бирисиндан холи эмас, деб гумон киламиз:

1. Кўркоклик.

2. «Мухторият»нинг фахмига бормаслик.

3. «Мухторият»нинг вужудга чикишига ишонмаслик. «Шўрои ислом» хакинда мазкур

эхтимоллар тўгри келурми, келмасми мунинг ахамияти йўк. Ёлгуз шунчаси бор-ки, «шўро»нинг бу харакати Туркистондаги ўн миллиюн мусулмон кардошларининг асоратдан кутулишларини истамаган каби бўлиб кўрунадирлар. Бу иш эса «Марваж ул-ислом» исмини олгон буюк бир жамиятнинг шаънига ярашатургон сифатлардан бўлмаса керак.

Йўкса, ёлгуз «Шўро»нинг намойишга иштироки би-лан «Мухторият»имиз арши аълога чикиб, анинг тескарилики билан фаолиятга чикмай колмас. Мухтарам «Шўрои ислом» жамияти шуни хам билсунки, букун Туркистон мусулмонлари «Мухторият»га молик бўлдилар. Мундан сўнгра «Мухторият» билан бирга яшарлар ва ушбу йўлда ўз мол ва жонларини хам аямаслар. Яшасун Туркистон Мухторияти!

«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 16 декабрь